

**ОШЛОВЧИ ТОТИМ (*Rhus coriária* L.) ЎСИМЛИГИНИНГ УРУҒ
УНУВЧАНЛИГИГА ДОИР****Ахмедов Эгамёр Тошбоевич***Биология фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат аграр
университети, Тошкент***Аманова Гўзал Чоршанбиевна***Магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент***Н.Э.Жумаева***Магистрантб Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

Аннотация. Мазкур мақолада ошловчи тотим (*Rhus coriária* L.) ўсимлигининг уруғ унувчанлиги ҳамда уларнинг экиш муддатига доир маълумотлар келтирилган. Дастлабки маълумотларга кўра, *Rhus coriária* L. уруғларининг лаборатория шароитида униб чиқиши 70-72,2% ни ташкил этади. Дала шароитларида стратификация қилинган уруғларни унувчанлиги ҳам 70-72% гача етиши мумкин. *Rhus coriária* L. учун оптимал экиш муддати куз фасллари ҳисобланади.

Калит сўзлар: *Rhus coriária* L., Anacardiaceae, генератив, кўпайтириш, уруғ, унувчанлик, Петри ликопчаси, фильтр қоғоз, қайтарилиш ва б.қ.

Abstract. This article provides information on the seed germination of *rhus coriária* L. and their planting period. According to preliminary data, the germination of *Rhus coriária* L. seeds in laboratory conditions is 70-72.2%. Fertilization of stratified seeds in field conditions can reach 70-72%. The optimal planting period for *Rhus coriária* L. is autumn.

Key words: *Rhus coriária* L., Anacardiaceae, generative, reproduction, seed, germination, Petri dish, filter paper, regeneration, etc.

Аннотация. В этой статье представлена информация о прорастании семян *rhus coriária* L. и сроках их посадки. По предварительным данным, всхожесть семян *Rhus coriária* L. в лабораторных условиях составляет 70-72,2%. Оплодотворенность стратифицированных семян в полевых условиях может достигать 70-72%. Оптимальный период посадки *Rhus coriária* L. – осень.

Ключевые слова: *Rhus coriária* L., Anacardiaceae, генератив, размножение, семена, прорастание, чашка Петри, фильтровальная бумага, регенерация и др.

Сўнги йилларда фармацевтика саноатида фойдаланиладиган дори воситаларини табиийлаштириш долзарб масаларидан бири бўлиб

ҳисобланиб, бу йўналишда Ўзбекистонда қатор илмий-амалий изланишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда фармацевтика саноатини доривор ўсимлик хом-ашёларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, ҳозирги кунда ихтисослашган ўрмон хўжаликларида 30 дан ортиқ доривор ўсимликлар маданий ҳолда етиштирилади. Етиштирилаётган доривор ўсимликлар орасида ошловчи тотим (*Rhus coriaria* L.) алоҳида эътиборга молик.

Ошловчи тотим (*Rhus coriaria* L.) ўсимлигининг хўжалик аҳамияти кенг камровли бўлиб, ўрмон хўжалиги, доривор ўсимликшунослик, ва кўкаламзорлаштириш соҳаларида муҳим аҳамият касб этади. Шу вақтгача ошловчи тотим (*Rhus coriaria* L.) ўсимлигига ўрмон ва манзарали ўсимлик сифатида қаралган бўлса, эндиликда эса унга қимматли доривор ўсимлик сифатида қаралмоқда. Чет-эл фармацевтика парьюмерия ва лак-бўёқ саноатларида унинг ер устки хом-ашёларидан турли-хил мақсадларда фойдаланилади [2].

Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” дастурида қатор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, унда доривор ўсимликларни биологик хусусиятларини ўрганиш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади [1].

Шу мақсадда, ТошДАУ тажриба ер майдонида мазкур ўсимликнинг коллекцияси яратилиб, унинг биоэкологик хусусиятлари ва етиштириш агротеникасини ишлаб чиқишга доир илмий изланишлар атрофлича ёритилмоқда.

Илмий изланишнинг мақсади-Ошловчи тотим (*Rhus coriaria* L.) ўсимлигининг уруғ унувчанлигини лаборатория ва дала шароитида ўрганишдан иборат.

Изланишнинг вазифалари-Ошловчи тотим (*Rhus coriaria* L.) ўсимлигининг уруғ унувчанлигини лаборатория ва дала шароитида ўрганиш ва генератив кўпайтириш усулларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва услубияти. Тадқиқот объекти- *Anacardiaceae* оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик, яъни- Ошловчи тотим (*Rhus coriaria* L.) ва унинг уруғлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот услублари- дала тажрибалари “Шифобахш” ДЎЕ ва ҚИМ томонидан 2009 йилда тузилган тавсиянома, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Ўзбекистон фанлар академияси Ботаника боғи, Ўзфармсаноат ДАК мутахассислари ва илмий ходимлари томонидан 2015 йилда тузилган йўриқнома ҳамда Л. Г. Дудченко ва б.қ (1989) ва

Ю.М.Мурдахаев (1993) тамонидан тайёрланган маълумотномалар асосида олиб борилди [4,5].

Уруғларни лабаротория шароитдаги унувчанлигини аниқлашда, Петри ликопчасига улар 4 қайтарилишда экиб ундириб синаб кўрилди ва фоизларда аниқланди. Дала шароитида эса иссиқ сувда 4-6 соат давомида ивителинган ва стратификация қилинган уруғлар 100 донадан қилиб, 4 қаторга экиб чиқилди ва умумий ҳолатга нисбатан фоизларда ҳисобланди [3,6].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Лаборатория ва дала шароитида уруғларининг унувчанлиги. Ошловчи тотим уруғи узоқ униш хусусиятига эга. Шунинг учун ўсимлик уруғлари экишдан олдин қисман ишлов берилди. Яъни, иссиқ сувда ивителиб, сўнгра экилди. Экилган уруғлар 3-4 ҳафтадан сўнг униб чиқди.

Ошловчи тотимни лаборатория шароитида унувчанлигини аниқлашда ЎЗР ФА Ботаника боғи коллекциядаги ўсимлик уруғларидан фойдаланилди. Репродукция уруғлар 4-6 соат давомида иссиқ сувда ивителиди, 4 қайтарилишда филтр қоғоз тўшалган ва намланган Петри ликопчаларига 100 донадан экилди (жадвал 1,2).

Ошловчи тотим уруғини лаборатория шароитида унувчанлиги (% ҳисобида)

Жадвал 1

№	Экиш вақти	Кунлар								Унган уруғлар сони
		12	14	16	18	20	22	26	30	
1	22.09.2021	1	6	4	10	19	14	9	7	70
2	22.09.2021	-	6	7	11	15	14	8	9	70
3	22.09.2021	2	5	7	9	13	13	11	12	72
4	22.09.2021	2	6	9	10	9	14	17	5	72
Ўрт.										71,0

Ошловчи тотим уруғини лаборатория шароитида унувчанлиги (% ҳисобида)

Жадвал 2

№	Экиш вақти	Кунлар								Унган уруғлар сони
		12	14	16	18	20	22	26	30	
1	08.10.2021	10	10	21	9	8	3	6	3	70
2	08.10.2021	10	12	20	15	5	6	4	1	72

3	08.10.2021	10	15	19	7	9	8	4	2	74
4	08.10.2021	11	10	31	13	2	1	3	2	73
Ўрт.										72.2 %

2021 йил сентябр ойида ўтказилган дастлабки тажрибалар ўсимлик уруғларини иссиқ сувда ивитилган уруғларини лаборатория шароитида унувчанлик миқдорини ўртача 71.0 % ни ташкил этганлиги ва шу йили (2021 й) октябр ойида қайтадан яна экиб текшириб кўрилганда бу кўрсаткичлар 72.2% атрофида қайд этилишини кўрсатди (жадвал 1, 2).

Ошловчи тотимни уруғларини дала шароитида ўрганиш мақсадида, ТошДАУ тажриба ер майдонида алоҳида поллар тайёрланди. Иссиқ сувда 4-6 соат ивитилган ва кейин қум билан 1,5 ой стратификация қилинган уруғлар 100 донадан қилиб, 5та қаторга экиб чиқилди. Полга экилган уруғлар усти енгил (2-2.5см) тупроқ билан кўмиб чиқилди. Поллар “Лейка” билан намгарчилик бўлганча ҳар куни 1 марта суғориб турилди ва уруғлар униб чиққунга ва майсаларда 1-2та чинбарглар ривожлангунга қадар ҳар 5 кунда 1 марта ҳисобга олинди (жадвал 3).

Тажрибалардан олинган натижалар уруғ унувчанлигининг биринчи навбатда уларнинг сифатига ҳамда уруғлар қадалган чуқурлида тупроқ намлик даражасининг етарли бўлиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Чинончи, коллекция майдонидан териб олинган репродукция уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги 70.2 % ни ташкил этди ва бу кўрсаткич эса келажакда уруғларидан кўчат етиштириб экин майдонларини барпо этиш мумкинлигидан далолат беради.

Жадвал 3

Ошловчи тотим уруғининг дала шароитида унувчанлиги (% ҳисобида)

Қаторлар	Уруғлар сони	Экилган вақти	Униш даври		Униб чиқиши %
			Бошланиши	Охири	
1	100	15.11.2020й.	25.04.2021й	15.05.2021й	70
2	100	15.11.2020й.	27.04.2021й	16.05.2021й	70
3	100	15.11.2020й.	04.05.2021й	17.05.2021й	73
4	100	15.11.2020й.	06.05.2021й	17.05.2021й	72

5	100	15.11.20 20й.	08.05.202 1й	20.05. 2021й	71
Ўрт.					71.2

Шуни таъкидлаш жоизки, ошловчи тотим ўсимлигидан уруф тайёрланган вақтда энг аввало дастлабки мевалардан пайдо бўлган тўлиқ тўлиқ уруғларни танлаш ва саралаш лозим. Тўлиқ уруғлар ўсимликнинг ўрта ва юқори пояларида қуёш нурлари яхши тушадиган йирик тўп мевалардан ҳосил бўлади ва бу уруғларни унувчанлик кўрсаткичларни 70-72% ни ташкил этиши тадқиқотлар давомида аниқланди.

Хулоса. Шундай қилиб, лаборатория ва дала шароитларида ўсимлик уруғларининг ўртача унувчанлиги 70-72.2 % ташкил этади. Дала шароитида эса бу кўрсаткич ўртача 71.2 % атрофида қайд этилади. Тўлиқ уруғлар ўсимликнинг ўрта ва юқори пояларида етилган йирик тўп гулларида ҳосил бўлади. Бу мевалардан тайёрланган уруғларда унувчанлик миқдори 70-74% атрофида қайд этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Ташкент: Медицина, 1990. – 444с.
3. Доспехов Б. А. Методика полевого опыта. –М. Колос, 1973. –С. 330-336.
4. Дудченко Л. Г., Козьяков А.С., Кривенко В.В. Пряно-ароматические и пряно-вкусовые растения (справочник). –Киев: Наукова думка, 1989. –С. 147-148, 164-166.
5. Мурдахаев Ю.М. //Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. Тошкент. “Фан”. 1993. 39 б
6. Нурматов Н. ва бошқалар. Дала тажрибалари услубияти. Т.: 2007.